

ЎЗБЕКИСТОНДА  
ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА  
УНИ ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ

## РЕЖА

1

- Ўзбекистондаги экологик вазият ва уни эксперт баҳолаш

2

- Табiiй объектларда экологик вазиятнинг ҳудудий фарқлари ва уларни экологик экспертизада ҳисобга олиш.

3


- Экологик вазиятни баҳолаш мезонлари ва экологик районлаштириш.

4

- Вилоятлар ва туманлардаги экологик вазиятнинг ҳудудий фарқлари.



Экологик экспертиза табиатдан фойдаланиш соҳасида қарор қабул қилишда экологик талабларни ҳисобга олишни назорат қилишнинг мажбурий процедураси (бажариладиган иш тартиби) ҳисобланади. Унинг асосий мақсади экспертизага тавсия қилинган объектнинг табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларига қанчалик даражада мос тушишни текшириш ва баҳолашдан иборат. Экспертизанинг асосий натижаси техник хатоларини аниқлаш, уларнинг оқибатларини илмий асосида баҳолаш, қарор қабул қилувчи органга (ташкилотга) тавсиялар бериш, экспертизага берилган лойиҳалар ва объектларни рўёбга чиқаришнинг энг самарали шарт-шароитларини башорат қилишга қаратилган.



Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишнинг жамият учун номақбул, қабул қилиб бўлмайдиган, эҳтимол тутилаётган салбий экологик ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа оқибатларини аниқлаш, улардан огоҳлантириш, уларни бартараф этишнинг ишончли ва зарур тадбирларини амалга ошириш мақсадларида ташкил этилади ва ўтказилади.

# АМТБ бўйича фаолият мазмунига қўйиладиган асосий талаблар

- мўлжалланаётган лойиҳа ва режани амалга оширишнинг мақсади;
- мўлжалланаётган фаолиятнинг оқилона ва маъқул альтернативаси (муқобил йўналишлари);
- конкрет ҳудудларда мавжуд экологик вазиятни илгари қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича қарорларни ҳисобга олиб лойиҳаларни ва бошқа тавсияларни таърифлаш;
- ҳудудлар ва вақтга мос ҳолда назарда тутилаётган фаолият амалга оширилаётган ҳудудлар атроф муҳити ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;
- назарда тутилаётган фаолиятнинг эҳтимол тутилаётган оқибатлари ва унинг альтернативаси (муқобили);
- амалга оширилаётган қарорнинг жамият учун қабул қилиб бўлмайдиган оқибатларини бартараф этиш чоралари ва тадбирлари;
- мониторинг дастурини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар, лойиҳадан кейинги иқтисодий таҳлил бўйича қабул қилинган қарорларни амалга ошириш.



Чиқиндиқарибташлашни  
максимум қисқартириш

Авто  
транспортгазлариничиқ  
арилишигақаршикураш

Атмосфера  
ифлосланиши  
ниолдиниоли  
шчоралари

Технологикжараёнларни  
такомиллаштириш

Назоратникучайтириш

## Экологик вазиятни баҳолаш мезонлари ва экологик районлаштириш

Экологик районлаштиришга (минтақалаштиришга) мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши асос қилиб олинган ва унинг энг кичик бирлиги (таксони) маъмурий туман (вилоят ёки республикага бўйсунадиган шаҳар) ҳисобланади. Ҳар бир муъмурий birlikнинг экологик вазияти қуйидаги экологик ҳолатни баҳолаш шкаласига (индикаторига) асосланиб таҳлил қилинган.

I-жадвалда берилган 18та экологик индикатор орқали республика туманларидаги ва улар орқали вилоятлардаги экологик вазият баҳоланган. Мавжуд экологик ҳолатнинг оғирлик даражасига кўра туманлар қуйидаги районлар тизимига киритилган:

- 0 - қониқарли (йўл қўярли) экологик ҳолатидаги;
- I - кескин экологик ҳолатдаги ;
- II - фавқулодда экологик ҳолатдаги;
- III - ҳалокатли экологик ҳолати.



**Экологик ҳолатни баҳолаш шкаласи  
(Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат  
қўмитаси ишланмалари тавсияси)**

№	Мезонлар номи	Ўлчов бирликлари	Мишталар (районлар экологик ҳолати)		
			4	5	6
1	2	3	Кескин	Фавқу-лодда	Халокатли
	I даража ўта хавфли мезонлар	Битта туркум қиймати-балл	40	60	100
1.	Ер ости сувларини ифлосланиши	СИИ (ифлосланиш индекси)	4-6	6-10	10
2.	Ер усти сувларини ифлосланиши	ЕУСИИ (ифлосланиш индекси)	2-3	3-5	5
3.	Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши	ИИИ (ифлосланиш иқлимий имконияти)	10-15	15-20	20
4.	Тупроқларни пестицидлар билан ифлосланиши	кг. га ишлов берилган майдон	5-10	10-20	20
5.	Ичимлик сувини ДСга (давлат стандарти) тўғри келмаслиги	текширишлар умумий сонидан %	3-40	40-60	60
6.	Озинг-овқат хомашибен ДСга тўғри келмаслиги	Текширишлар ДСга тўғри келмаслиги умумий сонидан	30-40	40-50	50
7.	Аҳолини умумий касалланиши	Аҳолини 1000 киши бошига ҳисоб қилинган касалланиши республика ўртача коэффициентидан ошishi (республика кўрсаткичи 600 касалланиш), мартаба	1,5-2,0	2,0-2,5	2,5
8.	Умумий аҳоли сонига ўлим миқдори	Республикада ўлимнинг ўртача коэффициентидан ошishi (ўртача даража-6,2), мартаба	1,2-1,3	2,0-2,5	1,5
9.	Болалар касалланиши.	15 ёшгача бўлган ҳар 1000 болага тўғри келувчи касалланиши республика ўртача даражасидан ошishi (ўртача даража 600), мартаба	1,3-1,5	1,5-2,0	2,0
10.	Гўдаклар ўлими (1 ёшгача)	Республикада гўдаклар ўлими даражасини ўртача коэф.дан ошishi (ўртача коэф.-29,0), мартаба	1,1	1,3-1,5	1,5
<b>II даража хавфли мезонлар</b>					
1.	Атмосферани иқлимий ифлосланиш имконияти	ИИИ	2,5-3,0	3,0-3,5	3,5
2.	Худудларни сув босиши	Ер ости сувлари сатхи 2 м худудлар умумий майдонларидан % ҳисобида	10-20	20-40	40
3.	Тупроқлар сифати	Тупроқлар боғитет балли респ. ўрт. даражасидан	1,5-2,5	1,5-2,0	2,0

Эслатма: 4-қаторда кўрсатилган мезонни куйи даражасидан паст бўлган мезонлар 0 балл билан баҳоланади

## Вилоятлар ва туманлардаги экологик вазиятнинг худудий фарқлари ва уларни экологик экспертизада ҳисобга олиш

Экологик вазиятнинг вилоятлардаги фарқлари бўйича ҳисобланган балл кўрсаткичларига кўра уларнинг қуйидаги типлари аниқланади:

- 1) 400 ва ундан ортиқ балл-фавқулодда кескин;
- 2) 250-400 балл-жуда кескин;
- 3) 150-250 балл-ўртача кескин;
- 4) 120-150 балл-унча кескин бўлмаган;
- 5) 120 баллдан паст балл-кескин бўлмаган.

Шу мезонлар нуқтаи назаридан республикада энг экологик ёмон аҳволдаги ҳудуд Қорақалпоғистон Республикаси бўлиб, у ерда фавқулодда кескин экологик вазият вужудга келган ва у тобора ёмонлашмоқда. Хоразм, Фарғона, Навоий вилоятларида жуда кескин экологик вазият юзага келган. Самарқанд ва Бухоро вилоятларида экологик вазият ўртача кескин, Сурхондарё, Тошкент, Андижон вилоятларида — унча кескин бўлмаган, Наманган, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида кескин бўлмаган экологик аҳвол мавжуд.

**Ўзбекистон маъмурий туманларидаги экологик вазият  
(Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси  
материаллари асосида.)**

	Иқтисодий районлар ва вилоятлар	ЭКОЛОГИК ХОЛАТ			
		қошқарли туманлар	кескин туманлар	фавқулодда туманлар	ҳалокатли туманлар
I.	Тошкент иқтисодий райони 1. Тошкент вил.	1. Бекобод 2. Зангиота 3. Оққўрғон 4. Пекент 5. Тошкент 6. Ўрта Чирчиқ 7. Чиноз 8. Қибрай	9. Бўна 10. Бўстонлик 11. Паркент 12. Юқори Чирчиқ 13. Янги йўл 14. Қуйи Чирчиқ		
	2. Тошкент ш.	Тошкент шаҳри			
II.	Фарғона иқтисодий райони:				
	3. Андижон вилояти	1. Асака 2. Балнқчи 3. Бўз 4. Ўзалақудуқ 5. Хўжаобод 6. Шаҳрихон	7. Андижон 8. Олтинқўла 9. Булоқ боши 10. Избоскан 11. Марҳамат 12. Пахтаобод 13. Улуғнор 14. Қўрғонтепа		
	4. Фарғона вилояти	1. Данғара 2. Учкўприк 3. Ёзёвон	4. Бағдод 5. Бешариқ 6. Бувайда 7. Олтиариқ 8. Охунбобоев 9. Сўх 10. Фарғона 11. Фурқат 12. Ўзбекистон 13. Қўва		
	5. Наманган	1. Косонсой 2. Нориш 3. Уйчи 4. Учқўрғон 5. Чартоқ 6. Чуст 7. Янгиқўрғон	8. Мингбулоқ 1. Наманган		

III.	Мирзачўл иқтисодий район				
	6. Жиззах вилояти	1. Дўстлик 2. Жиззах 3. Зарбдор 4. Зафаробод 5. Фориш 6. Ғаллаорол	1. Арнасой 2. Баҳмал 3. Зомин 4. Мирзачўл 5. Пахтакор 6. Янги ообод		
	7. Сирдарё вилояти	1. Боёвут 2. Мирзаобод 3. Сайхунобод 4. Сирдарё	5. Гулистон 6. Меҳнатобод 7. Ховос 8. Шароф Рашидов		
IV.	Самарқанд иқтисодий райони				
	8. Самарқанд вилояти	1. Булунгур 2. Ғўзалкент 3. Жомбой 4. Оқдарё 5. Тойлоқ 6. Ургут	7. Иштихон 8. Каттақўрғон 9. Нарпай 10. Нуробод 11. Пойариқ 12. Пахтачи 13. Самарқанд 14. Челақ		
V.	Бухоро–Навоий иқтисодий райони				
	9. Бухоро вилояти	1. Вобкент 2. Жондор 3. Когон 4. Пешку 5. Ромитан 6. Шофиркон 7. Қоровулбозор	8. Бухоро 9. Олот 10. Қора-кўл 11. Ғиждувон		
	10. Навоий вилояти	1. Конимех 2. Нурота	4. Томди 5. Учқудуқ 6. Хатирчи 7. Қизилтепа	8. Навоий 9. Навбахор	
VI	Қашқадарё иқтисодий райони				
	11. Қашқадарё вилояти	1. Бахористон 2. Деҳқонобод 3. Китоб 4. Косон 5. Нишон 6. У.Юсунов 7. Шахрисабз 8. Яккабоғ 9. Қамани 10. Қарши 11. Ғузор	12. Касби 13. Муборак 14. Чироқчи		

VII	Сурходарё иқтисодий райони				
	12. Сурхондарё вилояти	1. Бандихон 2. Бойсуи 3. Денов 4. Олгинсой 5. Сарносиё 6. Узун 7. Шурчи 8. Кизилриқ	9. Ангор 10. Жарқўрғон 11. Шеробод 12. Қумқўрғон	13. Музrabод 14. Термиз	
VII 1	Қуйи Амударё иқтисодий райони				
	13. Хоразм вилояти		1. Боғот 2. Гурлан 3. Хива 4. Хонқа 5. Шовот 6. Янгиариқ 7. Қўшқўпир	8. Урганч 9. Хазорасп 10. Янгибо- зор	
	14. Қорақалпо- ғистон Респуб- ликаси		1. Бўзатов 2. Шуманай	3. Амударё 4. Беруний 5. Қораўзак 6. Кегайли 7. Қўширот 8. Қанлиқўл 9. Нукус 10. Тахтақў- пир 11. Тўртқўл 12. Хўжайли 13. Чимбой 14. Элик- қалъа	15. Мўй- ноқ
	Республика бўйича туманлар сони	68	68	21	0,6
	%	43,0	43,0	12,4	1

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатнинг 68 туманида (43%) экологик вазият нисбатан қониқарли, яна 68 тасида (43%) кескин, 21 тасида (12,4%) фавқулодда, 1 таси (Мўйноқ) ҳалокатли.

Сув ресурсларини муҳофаза  
қилишнинг йўналишлари

Ичимлик суви  
билан  
таъминлаш  
сувни тежаш  
сув  
манбааларини  
муҳофаза  
қилиш

Санитария ва  
оқава сувларни  
тозалаш сув  
манбаларига  
оқизишни  
батамом  
тўхтатиш

Қишлоқ  
хўжалигида  
сувни  
тежаш, ирригац  
ия тузилмасини  
модернизациял  
аш, сув, ер ва  
шўрланишни  
комплекс  
бошқариш